



## Банкма-банк юрманг. Банклар сизга ўзи келсин.

Тадбиркор учун бир ариза – бир нечта таклиф.

*Платформа Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назорати остида яратилган*

# Таниш ҳолатми?

*Бизнес учун кредит излаган деярли ҳар бир тадбиркор шу муаммоларга дуч келади*



## Ҳар бир банк — алоҳида ҳужжатлар

- 3 банкка бордингиз
- 3 марта маълумотнома йиғдингиз
- 3 марта анкета тўлдирдингиз
- 3 марта жавоб кутдингиз



## Қаерга боришни билмайсиз

Ҳар бир банкнинг ўз талаблари бор.  
Мос келасизми ёки йўқми — фақат ариза бергандан кейин маълум бўлади.



## Узоқ кутиш

Ариза «кўриб чиқилмоқда», ҳолатини сўрайдиган одам йўқ, пул эса ҳозир керак.



## Банк бўлими узоқда

Керакли банк туманингизда йўқ, шаҳарга бориш эса — йўқотилган иш куни.



## Шартларни солиштириш қийин

Ставкалар ўхшаш, лекин умумий тўлов ҳар хил. Солиштиришга на маълумот, на вақт бор.




## Сабабсиз рад жавоби

«Сизга рад этилди» — холос.  
Аниқ нима мос келмагани ва нимани тузатиш кераклигини ҳеч ким айтмайди.

# Бу қандай ишлайди?

*Рўйхатдан ўтишдан таклифни танлашгача — бир қадам, барчаси онлайн, телефон ёки компьютер орқали*



**1-ҚАДАМ** Платформа: Бош саҳифа - Кириш

## ERI orqali ro'yxatdan o'tish

Kalitni tanlang

Ro'yxatdan tanlang



Ro'yxatdan o'tish

Akkaunt bormi? [Kirish](#)

**2-ҚАДАМ**

**Рўйхатдан ўтиш:**  
ERI орқали кириш

# Mahsulotni tanlang

Mashhur mahsulotlardan birini tanlang

yoki so'rovnomadan o'ting

Mikrokredit 100 mln gacha

Mahsulotni tanlash >

Kundalik xarajatlar uchun kredit

Mahsulotni tanlash >

Biznesni rivojlantirish uchun kredit (uzoq muddatli)

Mahsulotni tanlash >

Yangi tashkil etilgan tadbirkorlik subyektlari uchun kredit

Mahsulotni tanlash >

Nimani tanlashni bilmayapsizmi?


Agar siz 4 ta standart mahsulotdan tanlay olmasangiz, 9 ta oddiy savolga javob bering va biz sizga mos kredit turini tanlashda yordam beramiz. (Bu ariza hisoblanmaydi)

→

ⓘ Kreditlar faqat amal qilayotgan yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun amal qiladi

3-ҚАДАМ

Маҳсулотни танланг



## 4-ҚАДАМ

**Оммавий Оферта:**  
Шартлар билан танишиш ва қабул қилиш

Beta-versiya

TadbirCore

O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy bankining loyihasi

Asosiy / Bosh sahifaArizalarimKontaktlar

14

O'Z

< Mahsulot tanlashga qaytish

To'ldirilgan

Parametrlar

2

To'ldirilmagan

Yakka tartibdagi tadbirkor

3

To'ldirilmagan

Moliyaviy ma'lumotlar

4

To'ldirilmagan

So'rov yuborish

1. Parametrlar

Bu bank xodimlariga kreditlash shartlarini tanlashga yordam beradigan asosiy ma'lumotlardir

Kompaniya turi \*

Yakka tartibdagi tadbirkor

Kredit summasi \*

100 000 000

O'zbekiston so'mi

Kredit muddati \*

24

oylar

Ushbu kredit turi bo'yicha odatda 0 mln so'm dan 2 mlrd so'm gacha

Ushbu kredit turi bo'yicha odatda 1 dan 36 oygacha

Kredit olishdan maqsad \*

Kundalik xarajatlar uchun kredit

Batafsil

Imtiyozli davr kerakmi \*

Ha

Yo'q

To'ldirish majburiy bo'lgan maydonlar

1-qadam 5 tadan

Keyingi

5-ҚАДАМ

Кредит параметларини тўлдириг:  
сумма, муддат, ташкилот тури ва х.к.

Beta-versiya

TadbirCore

O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy bankining loyihasi

Asosiy / Bosh sahifa

Arizalarim

Kontaktlar

30

O'Z

▼

< Mahsulot tanlashga qaytish

To'ldirilgan  
Parametrlar

To'ldirilgan  
Kompaniya

To'ldirilgan  
Moliyaviy ma'lumotlar

4  
Jarayonda  
So'rov yuborish

#### 4. Ariza yuborish uchun bank(lar)ni tanlang

Sizning ma'lumotlaringiz asosida tavsiya etilgan — bir nechta bankni tanlash mumkin

So'rovingiz bo'yicha birorta ham bank topilmasa — summani va muddatni o'zgartiring. Shuningdek, sozlamalarni o'zgartirish takliflar sonini oshirishi mumkin

Summa

100 000 000

so'm

0 so'm

5 mird so'm

Muddat

36

oy

0 oy

120 oy

Yangilash

AloqaBank

Aloqabank

Asakabank

Asakabank

MKBANK

Mikrokreditbank

ANORBANK

ANOR BANK

6-ҚАДАМ

Аризани юборинг

Ариза учун банкларни танлаш

Beta-версия

TadbirCore

Проект Центрального Банка  
Республики Узбекистан

Главная

Мои заявки

Контакты

Создать заявку

ру

Назад

Заявка №12039

№12039

✓ Получено предварительное предложение

Детали заявки

Сумма

Срок

Дата создания

Банки

30 000 000 сумов

24 месяца


10.09.2025

Агробанк, Халкбанк, Намкорбанк, Узнацбанк, Микрокредитбанк

| Банк                                                                                                                         | Сумма кредита, суммы | Процентная ставка | Срок       | Льготный период | Срок ответа до | Статус                   | График платежей                                                                                                                                                             |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|-------------------|------------|-----------------|----------------|--------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <input type="checkbox"/>  Агробанк          | 30 000 000           | 26%               | 24 месяца  | 3 месяца        | 10.11.2025     | ✓ Предодоброено          |       |
| <input type="checkbox"/>  Халкбанк        | ...                  | ...               | ...        | ...             | 10.11.2025     | ... Требуется информация |                                                                                        |
| <input type="checkbox"/>  Намкорбанк      | 29 000 000           | 26%               | 12 месяцев | 2 месяцев       | 10.11.2025     | ✓ Предодоброено          |   |
| <input type="checkbox"/>  Узнацбанк       | 28 000 000           | 26%               | 24 месяца  | 3 месяца        | 10.11.2025     | ✓ Предодоброено          |   |
| <input type="checkbox"/>  Микрокредитбанк | ...                  | ...               | ...        | ...             | 10.11.2025     | ✗ Отклонено              |                                                                                        |

7-ҚАДАМ

Банклар жавобини кузатинг



8-ҚАДАМ

Банкни танланг  
Ариза учун банкларни танлаш

# Тадбиркор нимага эга бўлади

Платформа кредит излаш жараёнини бошқариладиган рақамли жараёнга айлантиради



## Ягона ариза

Бир нечта банк анкетаси ўрнига  
битта маълумотлар тўплами

## Онлайн ҳолат

Шахсий кабинетда аризани кўриб  
чиқиш жараёни кўринади

## Муддат назоратда

SLA ва таймер кутиш вақтини  
ўлчанадиган қилади

## Рад этиш сабаби

Қайси кўрсаткичларни яхшилаш  
кераклиги тушунарли бўлади

## Шартларни таққослаш

Сумма, ставка, муддат ва  
шартлар — бир жойда

## Қайта уриниш

Профилни яхшилагандан кейин  
тайёрроқ ҳолда қайта мурожаат  
қилиш мумкин

# Маълумотларингиз ҳимояда

Платформа ЎзР «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонуни (ЎРҚ-547, 02.07.2019) асосида ишлайди



- Маълумотни ким кўришини ўзингиз ҳал қиласиз
- Кириш вақт бўйича чекланган
- Ҳимояланган узатиш
- Розиликни қайтариб олиш мумкин
- Ҳужжатни ким очгани кўринади
- Исталган пайт аниқлаштираёсиз

Мухим: Платформа банк иловаларингиз паролени сўрамайди ва ҳисоб рақамларингизга кира олмайди.

# Микро, кичик ва ўрта бизнес кредитлаш бозорида нима ўзгаради

Рақобат “кимда филиал кўп” моделидан “кимда шартлар, тезлик ва сервис яхшироқ” моделига ўтди

## Аввал

- Тадбиркор банкларга навбатма-навбат мурожаат қиларди
- Банк барча аризаларни дастлабки кўриб чиқишга вақт сарфларди
- Рад этиш сабаби кўпинча тушунарсиз қоларди
- Шартларни таққослаш учун маълумот қўлда йиғиларди



## Энди

- Битта ариза бир вақтнинг ўзида бир нечта банк билан ишлайди
- Банк ўз стоп-факторларидан ўтган профилни кўради
- Тадбиркор ариза ҳолати ва рад этиш сабабини кўради
- Таклифлар сумма, ставка, муддат ва шартлар бўйича таққосланади

# Нима учун банкларга иштирок этиш фойдали

Сифатли аризалар оқими банкларга молиялаштиришга тайёр бўлган мижозларни тезроқ кўриб чиқишга ёрдам беради



## Қўлда текшириш камаяди

Маълумотлар ягона форматда келади.

## Стоп-факторлар назоратда

Банк чегаравий кўрсаткичларни  
мустақил белгилайди.

## Худудий қамров

Ўз фронт-офиси қимматга  
тушадиган сегментлар билан ҳам  
ишлаш мумкин.

## Рад этишлар таҳлили

Банк қаерда қарз олувчиларни  
йўқотаётганини кўради ва сиёсатини  
калибрлайди.

**Тадбиркор учун — кўпроқ танлов.  
Банк учун — сифатлироқ кирувчи оқим.**

# Қайси бизнес вазифалар учун айниқса фойдали

Инвестицион имконият ойнаси қисқа бўлганда, тезлик ва шартларни таққослаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади



## Айланма маблағ

Товар харид қилиш,  
мавсумий талабни қоплаш  
ва банкларни ҳафталаб  
айланиб юрмаслик.

КУНДАЛИК ФАОЛИЯТ УЧУН



## Ускуналар

Хариддан олдин сумма,  
муддат ва тўлов юкини  
таққослаш.

ИНВЕСТИЦИЯНИ ОНГЛИ ТАНЛАШ



## Савдо нуқтасини кенгайтириш

Қайси банк ўсишни  
молиялаштиришга  
тайёрлигини тез тушуниш.

ЎСИШ УЧУН МОЛИЯЛАШТИРИШ



## Янги ҳудуд

Банкнинг филиал тармоғи  
кучли бўлмаган жойларда ҳам  
таклифлар олиш.

ГЕОГРАФИЯДАН ТАШҚАРИ ИМКОНИАТ



# Платформа статистикаси

01.06.2026 – 17.09.2026 давр учун

## Умумий кўрсаткичлар

Ўртача ставка: 23,9% (сўм) · Ўртача муддат: 37,4 ой

3 262

та ариза банкларга юборилди

1 005

та кредит ажратилди

31%

конверсия

415,7 млрд

сўм ажратилди (экв. қийматда)

## Ойлар кесимида динамика

Июнь

954

та ариза

266 та кредит

126,8 млрд

Июль

1 465

та ариза

420 та кредит

169,7 млрд

Август

596

та ариза

224 та кредит

88,8 млрд

17 сентябргача

247

та ариза

95 та кредит

30,3 млрд

# Тез кунларда...

*Платформа ривожланмоқда — тадбиркорлар учун янада қулай бўлади*

## Мобил илова

Ариза, ҳолатлар ва таклифлар — тўғридан-тўғри телефонда. Кириш бармоқ изи ёки Face ID орқали.

## Telegram орқали танлов

Бот мос маҳсулотни танлашга ёрдам беради ва ариза бўйича асосий воқеалардан хабардор қилади.

## Онлайн хабарномалар

Аввал шартларга мос келмаган бўлсангиз, энди мос келсангиз — билдиришнома келади.

## Кўпроқ маҳсулот ва иштирокчи


Янги кредит маҳсулотлари ва микроолия ташкилотлари — таклифлар танлови кенгаяди.

## Рад жавобидан кейин маслаҳат

Тизим қайси параметр мос келмаганини кўрсатади ва нимани тузатиш мумкинлигини айтади.

## Бугуноқ бошлаш мумкин

Рўйхатдан чора ўтиш бир неча дақиқа, биринчи ариза эса тахминан к соат вақт олади.



# Платформанинг 23 та ҳамкор банклари

Тадбиркорлар учун кенг танлов – бир платформада



Биринчи аризани юборинг –  
Бир нечта таклиф олинг –  
Ўзингиз танланг.

